



ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ТАШКИ САВДО
КОМПАНИЯСИ



Uzbekistan

МАҲСУЛОТ ҚАНДАЙ ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ?

Синалган
муваффақият
стратегияси

ЎЗ МАҲСУЛОТИНИ ЭКСПОРТ
ҚИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРАЁТГАН
ТАДБИРКОРЛАР УЧУН
АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

- МАРКЕТИНГ ВА
МИЖОЗЛАРНИ ТОПИШ
- ЭКСПОРТ
ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ

- ЭКСПОРТ
ЙЎЛИДА 12 ҚАДАМ

- МАҲСУЛОТНИ
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

- БОЖХОНА
РАСМИЙЛАШТИРУВИ

- ЮКЛАШ
ВА ЛОГИСТИКА

12
қадам



ТОШКЕНТ 2013



ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ТАШКИ САВДО
КОМПАНИЯСИ



Uzbekistan

МАҲСУЛОТ ҚАНДАЙ ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ?

Синалган
муваффақият
стратегияси

ЎЗ МАҲСУЛОТИНИ ЭКСПОРТ
ҚИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРАЁТГАН
ТАДБИРКОРЛАР УЧУН
АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

- МАРКЕТИНГ ВА
МИЖОЗЛАРНИ ТОПИШ

- ЭКСПОРТ
ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ

- ЭКСПОРТ
ЙЎЛИДА 12 ҚАДАМ

- МАҲСУЛОТНИ
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

- БОЖХОНА
РАСМИЙЛАШТИРУВИ

- ЮКЛАШ
ВА ЛОГИСТИКА

12
қадам



ТОШКЕНТ 2013

МАҲСУЛОТ ҚАНДАЙ ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ?

Ўз маҳсулотини экспорт қилишни
режалаштираётган тадбиркорлар учун
амалий қўлланма

А.О. Олимхонов
Ж.М. Имамназаров

BAKTRIA PRESS
Toshkent 2013

УДК 339.56(575.1)

КБК 65.42(5О')

О-49

**Olimhonov A.O.
Imamnazarov J.M.**

Mahsulot qanday eksport qilinadi? O'z mahsulotini eksport qilishni
rejalashtirayotgan tadbirkorlar uchun : amaliy qo'llanma / A.O. Olimhonov.
– Toshkent : Baktria press, 2003. – 164 b.

Мазкур қўлланма ташқи савдо иштирокчиларига: бизнес эгалари ва
компания раҳбарларидан тортиб, экспорт фаолиятини энди
бошлиётган тадбиркорларга (амалий йўлланма сифатида хизмат
қилишга) мўлжалланган.

КВК 65.42(5О')

Ушбу қўлланма бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури,
ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамкорлигига амалга
оширилаётган “Ташқи савдога кўмак ва Ўзбекистонга инвестициялар
жалб қилиш” лойиҳаси ёрдамида тайёрланди ва чоп этилди.

ISBN 978-9943-4063-5-3

© Ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси

© БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

© Baktria press

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Муқаддима	5
Батафсил йўл-йўриқлар	9
Хулоса.....	42
Илова А (ариза намуналари)	43
Илова Б (хужжат намуналари).....	70
Илова В (фойдали маълумотлар)	99
Илова Г (меъёрий-хукуқий хужжатлар).....	156

КИРИШ

Экспорт нима учун муҳим?

Экспорт Ўзбекистон иқтисодиёти учун самарали ривожланиш манбай саналади. Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва бошқа мамлакатларга сотиш юртимизнинг янада тараққий топиши ва турмуш тарзининг ўсишидаги муҳим қадамдир.

Ташқи савдо корхоналарнинг ўсишига ва иқтисодга эришишга ёрдам беради, бу эса янада кўпроқ янги иш жойларини яратиш имконини беради.

- Ташқи бозорларга чиқиш ишлаб чиқарувчиларга халқаро бозорда ўз маҳсулотлари ва хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлашда ҳам кўмак беради. Бундан ташқари, бошқа корхоналар томонидан доимий рақобат кўшимча сармоялар, инновациялар ва янги иш ўринлари яратишни рағбатлантиради.

Умуман олганда, экспорт фаолиятининг ўсиши аста-секин мамлакат иқтисодий ўсишининг ҳал қилувчи омилига айланади.

Экспорт фаолиятига бағишланган китобларнинг аксарияти, тушуниш учун қийин бўлган ўта илмий тилда ёзилган. Кўлингиздаги қўлланма эса амалий аҳамиятга эга бўлиб, "Uztdabirkoreksport" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси мутахассислари иш тажрибаларидан келиб чиқиб, шунингдек тадбиркорлар томонидан тез-тез бериладиган, экспорт соҳасига оид саволлар асосида содда тилда ёзилган.

Мазкур рисола, энди экспорт қилишни бошлаган тадбиркорлар, айниқса, экспорт қилишни режалаштираётган аммо қандай амалга оширишни билмай турган кичик ва хусусий бизнес вакиллари учун ёрдамчи қўлланма вазифасини ўтайди.

Ушбу қўлланма ўзбек тилида тузилган бўлишига қарамасдан, ундаги баъзи ҳужжатлар чет-эллик ҳаридорлар, юқ қабул қилувчилар ва бошқа ҳамкорлар учун, халқаро талаб ва андозаларга мувофиқ рус ва инглиз тилларида берилган.

Экспорт –
бу сотиши
мақсадида чет
элга товар ва
хизматларни
олиб чиқишидир.

МУҚАДДИМА

«Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижаатли бир киши мингта тадбirsiz ва лоқайд кишидан афзалдир»

Амир Темур

Тадбиркор ўз маҳсулотини экспорт қилишга киришар экан, бир қатор саволларга жавоб топишига тўғри келади:

- 1) **Харидорни қандай топса бўлади?**
- 2) **Маҳсулот экспорти учун маъқул бўлган мамлакат қандай аниқланади?**
- 3) **Экспорт маҳсулотининг таннархини қандай қисқартириш ва рақобатдош нархни қандай белгилаш мумкин?**
- 4) **Чет эллик харидор билан экспорт шартномаси қандай тузилади?**
- 5) **Маҳсулот учун тўйловнинг қайси тури энг қулай?**
- 6) **Маҳсулотни қандай транспорт воситасида (истеъмолчи-ҳаридорга етказиш учун) ташиш тўғрироқ бўлади?**
- 7) **Маҳсулотни тўғри юклаш учун қандай талаблар мавжуд?**
- 8) **Маҳсулотни юклаш ва истеъмолчи-ҳаридорга етказиши учун қандай ҳужжатларни расмийлаштириши керак?**
- 9) **Божхона ҳужжатларини расмийлаштириши ким томонидан амалга оширилади?**
- 10) **Маҳсулот олиб чиқиб кетилганидан кейин экспорт қилувчидан нималарни амалга ошириш талаб этилади?**
- 11) **Экспорт амалиётининг ташиқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчиликка мувофиқлигини қандай таъминласа бўлади?**

Ушбу саволларнинг барчасига жавоб топиш учун, қўйидаги суратларда келтирилган амалий кўрсатмаларга амал қилишни таклиф этамиз. Чунки, «минг марта эшигандан бир марта кўрган афзал» дейди халқимиз.

Ҳар бир суратга шарҳлар берилган.

Ушбу рисолада тақдим этилаётган ҳолатлар – ўзига хос ҳолатлар эканлигини тушунишингиз лозим. Шундай экан, баъзи алоҳида хусусиятга эга маҳсулотлар учун кўшимча жараёнларни амалга ошириш талаб этилиши мумкин.

Юзага келган саволлар бўйича “Uztadbirkoreksport” ИТСК экспертларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Дикқат! Матнда ариза ва ҳужжатлар намунасини кўришингиз учун қўйидаги иловаларга йўлланма берилган:

- и洛ва А – зарур ҳужжатни ёзиш учун намуна;
- и洛ва Б – бевосита ҳужжатнинг намунаси;
- и洛ва В – фойдали маълумотлар;
- и洛ва Г – қонунчилик ҳужжатлари рўйхати.




1 қадам. Махсулот рекламаси
ва маркетинг тадқиқотлари



12 қадам. Махсулотни жүннатыш
ва шартноманы ваколатти
бенкда хисобдан чиқарыш



2 қадам. Чет зерлек харидорлар
билин музокаралар олиб бориш



3 қадам. Экспорт
шартномасини имзолаш

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТА «УЗТАДБИРКО»

ЭКСПОРТ ҚИЛИШГА АМАЛ



11 қадам. Божхона
расмийлаштируви



10 қадам. Махсулотни
декларация килиш

1
ҚАДАМ



4 қадам. Шартномани банкда
рүйхатдан ўтказиш




5 қадам. Шартномани божхона
постида рүйхатдан ўтказиш



5 қадам. Тұловни олиш

АШҚИ САВДО КОМПАНИЯСИ ОРЭКСПОРТ» ЖИЙ ЁРДАМ КҮРСАТАМИЗ!

2
ДАМ



9 қадам. Маҳсулотни
юклаш



8 қадам. Транспортда
ташиш (логистика)



7 қадам. Экспорт қилинаёттан
маҳсулотни сертификатлаштириш



Агар харидор маҳсулотингиз тўғрисида маълумотга эга бўлмаса, ўзи келиб маҳсулотнингизни сўрашини кутиб ўтириш бефойда албатта. Шундай экан, маҳсулотни ташки бозорда муваффақиятли сотиш учун қўйидагиларни амалга ошириш лозим:

Маҳсулот бўйича:

➤ Маҳсулотнингизни афзал хусусиятлари ва хос жиҳатларини таърифланг. Ўзингизга савол беринг: нега харидор айнан менинг маҳсулотимни танлаши керак? Маҳсулотимнинг рақобатчиларнидан қандай афзаллиги бор?

➤ Маҳсулотнинг афзал томонларини яққол кўрсатиб берувчи қадоқ (ва/ёки товар белгиси) ишлаб чиқинг. Харидорнинг эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ хусусиятларга эътибор беринг.

Бозор бўйича:

➤ Қўшни мамлакатлар бозорларини ўрганинг, чет эл веб-сайтларини кузатиш орқали хориждаги шунга ўхшаш товарлар юзасидан маркетинг тадқиқотини ўтказинг. [142 бет]

➤ Консалтинг компанияларига мурожаат қилинг. [117 бет]

Харидор топиш бўйича:

Чет элда харидор топиш бўйича:

1) Ўз маҳсулотнингизни турли усууллар ёрдамида кўпроқ реклама қилинг:

➤ Савдо-сотик/экспортга алоқадор веб-сайтларда маҳсулотингиз ҳақидаги маълумотларни жойлаштиринг. [142 бет]

➤ Халқаро кўргазма ва ярмаркаларда қатнашинг. [127, 138 бет]

➤ Алоқа воситалари орқали тижорат таклифларини тарқатинг. [44 бет]

➤ Маҳсулотнингизни реклама қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг равишда фойдаланинг.

2) Қўшимча кўмак олиш учун қўйидаги ташкилотларга мурожаат қилишингиз мумкин:

- «Ўзтадбиркорэкспорт» ИТСК:

- ✓ www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг ёки телефон орқали қўнгироқ қилинг.

[37 бет]

- ✓ Компаниянинг ҳудудий вакилларига мурожаат қилинг. [103 бет]

- ✓ Маҳсулот экспорти учун мурожаат аризасини тўлдиринг. [45 бет]

- ✓ Экспорт қилинадиган маҳсулот ҳақида ахборот тақдим этинг.

- ✓ Экспорт учун Воситачилик (комиссия) шартномасини тузинг. [46 бет]

- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига [101 бет]

- Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналарига [125 бет]

Баттафсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг

– “Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Маҳсулот рекламида маркетинг тадқиқотлари” бўлими.



2-қадам

Чет эллик харидор билан музокаралар

Харидор маҳсулотингизга эътибор бериб, қизиқа бошлаши билан Сиз музокаралар ёрдамида унинг имкониятлари, талаблари билан яқиндан танишишингиз керак.

Музокараларни куйидаги усусларда олиб боришингиз мумкин:

- Телефон орқали (соатлар ўртасидаги фарқни ҳисобга олинг);
- Электрон почта ёрдамида;
- Интернет орқали (skype, viber ва х.к.з. каби бевосита алоқа воситалари ёрдамида)
- Бевосита учрашув давомида.

Чет эллик харидорлар билан музокараларга олдиндан тайёрланиш керак, бунинг учун Сиз куйидаги масалалар бўйича маълумотларни олдиндан тайёрлаб қўйишингиз керак:

- ✓ маҳсулот бўйича (техник ва бошқа кўрсатгичлар);
- ✓ маҳсулот нархи бўйича;
- ✓ фирмангиз (компания, ширкат) ва маҳсулотингизга тегишли бўлган ҳужжатлар (сертификатлар ва б.) бўйича;
- ✓ маҳсулотнинг ТИФ ТН даги коди бўйича **[152 бет]**;
- ✓ маҳсулотни олиб чиқиб кетиш шартлари ва муддати (Инкотермс-2010) бўйича **[154 бет]**;
- ✓ тўлов шартлари ва муддатлари бўйича;
- ✓ экспорт шартномаларининг мазмуни бўйича **[51 бет]**.

*Музокараларнинг
муваффақиятли
бўлиши асосан
(75 фоиз) уларга
тайёргарлик
сифатига боғлиқ*

Диққат! Сизнинг маҳсулотингиз ЎзР қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлари билан экспорти тақиқланган ашёлар ва маҳсулотлар рўйхатига кирмаганлигини текшириб кўринг **[100 бет]**

Батафсил маълумот учун www.uzte.uz сайдига ташриф буюринг – “Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Экспорт контрактини тайёрлаш” бўлими.



Харидор маҳсулотингизни сотиб олишга розилик билдиргач, экспорт шартномасини тузиш лозим **[51 бет]**. Тижорат банкида хорижий валютада (АҚШ доллари, евро ва б.) ҳисобрақами очиш учун ариза топшириш керак **[55,112 бет]**.

Ушбу жараёнга жиддий ёндашишни тавсия этамиз. Чунки экспорт амалиётининг ҳар бир келгуси босқичи экспорт шартномасининг сифатли тузилишига боғлиқдир.

Шартномада сотувчи сифатида маҳсулотни чет эллик харидор тасарруфига топшириш бўйича барча мажбуриятларингизни ҳамда чет эллик харидорнинг ушбу маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг учун муайян ҳақ тўлаш бўйича барча мажбуриятларини ёзib чиқинг.

*Мижоз олдидағи
мажбуриятлар
тўлиқ
бажарилмагунича
Контракт учун
сиз шахсан жавоб
берасиз.*

Шартнома тузатганданда куйидагиларга алоҳида эътибор беринг:

1. Икки маъноли иборалар, ноаниқ ифодалар ва тушунарсиз атамалар бўлмаслиги;
2. Шартномадаги ҳар бир банднинг амалга ошириш механизми аниқ белгиланиши;
3. Маҳсулотни харидорга етказиб бериш шарт-шароит ва тартибининг Инкотермс-2010 атамаларида ёзилиши, олди-сотди шартномаси бўйича томонларнинг маҳсулот етказиб бериш борасидаги ҳукуқ ва мажбуриятлари келтирилиши, Сотувчи томонидан маҳсулотни етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилган бўлиши ва маҳсулотнинг тасодифий нобуд бўлиши ёки шикастланиши хатарининг ва бу туфайли юзага келиши мумкин бўлган харажатларнинг Сотувчидан Харидорга ўтиши пайтини белгилаш.
4. Келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби ҳақидаги банднинг батафсил ёритилиши. Бу ерда томонлар юзага келиши мумкин бўлган келишмовчилик ва зиддиятларни кўриб чиқувчи муайян хўжалик судини кўрсатишлари лозим бўлади. Лекин, Сотувчи учун келишмовчиликларни ўзининг ҳудудида, ўз мамлакати қонунчилиги асосида ҳал этиш энг мақбул йўл саналади.
5. Чет эллик шерикнинг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимояланиш мақсадида, экспорт шартномаси имзоланишидан олдин уни албатта юридик экспертизадан ўтказиш ва юридик хулоса олиш лозим.

Факс ёки электрон почта орқали олинган шартномалар, худди уларнинг асл нусхалари каби, ҳақиқий ҳисобланади. Иловада шартнома намунасини кўришингиз мумкин. **[51 бет]**

*Батафсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг –
“Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Экспорт-импорт контрактларини
тузиш” бўлими.*



4-қадам

Шартномани банк рўйхатидан ўтказиш

Қонунчиликка мувофиқ, экспорт шартномалари экспорт қилувчи-корхона валюта ҳисобвараги очилган банкда **рўйхатдан ўтказилиши** лозим.

Экспорт шартномасини **рўйхатдан ўтказиш** учун Сиздан қуидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- ✓ ариза **[56 бет]**
- ✓ шартноманинг асли ва нусхаси;

Шартноманинг ҳар бир саҳифасига банк томонидан имзо ва ҳисобга олинганилик штампи кўйилади ва шартномага идентификацион рақам берилади.

Идентификацион рақам берилганлиги ҳақидаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади, биринчи нусха экспорт қилувчига берилади. **[71 бет]**

Маълумотлар Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (база)га киритилади, шартнома асл нусхаси эса (хизматлар экспортини назарда тутган шартномалар бундан мустасно), кейинчалик божхона органларида ҳисобга кўйиш (**рўйхатдан ўтказиш**) учун экспорт қилувчига қайтарилади.

Шартнома имзолангандан кейинги барча ўзгариш ва/ёки қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан шартномага қўшимчалар тузиш ва имзолаш йўли билан амалга оширилади.

Имзоланган қўшимчалар шартномани **рўйхатга** олган банк муассасасида ҳисобга кўйилиши лозим.

Экспорт шартномасига қўшимчани ҳисобга кўйиш учун банк муассасасига қуидагилар тақдим этилади:

- ✓ ариза;
- ✓ шартномага қўшимчанинг асли ва нусхаси.

Шартнома ёки шартномага қўшимчаларни ваколатли банкларда **рўйхатдан ўтказиш** пуллик асосда, банкларда ўрнатилган тарифларга кўра амалга оширилади!

Ўзбекистон тижорат банклари ҳақида маълумот олиш учун www.bank.uz сайтига ташриф буюришингиз мумкин.

Баттағсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг – “Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Шартномани банкда ҳисобга кўйиш” бўлими.

Экспорт
контрактларини
ваколатли
банкларда
рўйхатдан ўтказиш
8 иш соати ичida
амалга оширилади.



5-қадам

Шартномани божхона постида рўйхатдан ўтказиш

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тузилган экспорт шартномаларини **рўйхатдан** ўтказиш божхона постларида маҳсулотларни божхонада расмийлаштириш жараёнида амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган хом ашё товарлари бундан мустасно). **[156 бет]**

Шартномаларни божхона органларида рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати қўйидагicha:

- ✓ шартномани ҳисобга қўйиш ҳақида ариза; **[58 бет]**
- ✓ КТУТ (ОКПО) карточкаси нусхаси ва корхона низоми нусхаси (биринчи марта мурожаат қилганда);
- ✓ шартноманинг асли ва нусхаси;
- ✓ идентификацион рақам маълумотномаси;
- ✓ юридик хулоса **[73 бет]**

Божхона назоратчisisи шартноманинг ҳар бир саҳифасига **рўйхатга** олингандик ҳақида имзо ва божхона постининг штампини қўяди ва шартномага рўйхат рақами берилади.

Маълумотлар Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (базаси)да ҳам тасдиқланади. Шартнома асл нусхаси маҳсулот экспорт қилувчига қайтарилади.

Шартномага қўшимчалар ҳам тегишли шартномалар ҳисобда турган божхона постида **рўйхатдан** ўтказилиши лозим.

Экспорт шартномасига қўшимчаларни **рўйхатдан** ўтказиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

- ✓ ариза
- ✓ шартнома нусхаси
- ✓ шартномага қўшимчанинг асли ва нусхаси
- ✓ юридик хулоса.

Божхона органларида шартнома ёки унга қўшимчаларни **рўйхатдан** ўтказиш **бепул** амалга оширилади!

Зарур маълумотларни олиш учун Давлат божхона қўмитасининг www.customs.uz сайтига ташриф буюришингиз мумкин.

Баттағсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг – “Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Шартномани божхона органида рўйхатга олиш” бўлими.



6-қадам

Тўловни қабул қилиш

Маҳсулотга тўлов қабул қилиш учун Сиз чет эллик Харидорга тўловнома (инвойс) йўллашингиз лозим. **[72 бет]**.

Харидорнинг имкониятларига қараб, тўловнинг куйидаги турлари қўлланилади:

- 100% олдиндан тўлов (тавсия этилади);
- Аккредитив;
- Муддати узайтирилган тўлов (суғурта полиси орқали) **[74, 122 бет]**;
- Консигнация (бунда маҳсулот, ишлаб чиқарувчининг чет элдаги савдо уйига, олдиндан тўлов қабул қилмасдан юборилади);

Валюта маблағлари келиб тушганидан кейин ваколатли банк уларни экспорт қилувчининг ҳисобрақамига ўtkазади ва банк бу ҳақда валюта маблағлари келиб тушгандан кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда белгиланган тартибда сотувчига хабар беради.

Эспорт маҳсулотларини божхонада расмийлаштириш учун ваколатли банк томонидан сотувчининг сўровига асосан **[56 бет]**. Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (база) га келиб тушган валюта ҳақида маълумот киритилади.

Барча қўшимча саволларингиз юзасидан Сизга хизмат кўрсатувчи банк хизматчилари жавоб беришлари хам мумкин.

Батафсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг – “Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Тўлов шартлари” бўлими.



7-қадам

Экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш

Сиз маҳсулотни божхонада расмийлаштиришингиз, шунингдек харидор уни чет элда тўсиқсиз божхонада расмийлаштира олиши учун Сиз қўйидаги сертификатларни олишингиз керак:

Маҳсулот келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат (СТ-1 шакл ёки А шакл). Ариза [59 бет] топширилади, тариф бўйича тўлов амалга оширилади ва 1 иш куни давомида сертификат расмийлаштирилади. Сертификат “Ўзбекэспертиза” ОАЖ томонидан маҳсулотнинг бутун шартнома ҳажмига [78 бет] ёки тўловнома (инвойс)га биноан маҳсулотнинг юкландиган қисмига берилади.

Сотиладиган маҳсулотнинг турига қараб қўйидаги сертификатлар олинади:

Гигиеник сертификат. Ариза берилади [63 бет], намуна (1-2 кг, дона) тақдим этилади, тариф бўйича тўлов амалга оширилади ва, агар маҳсулот сертификатлаштирилиши лозим бўлса, 3 иш куни ичida юкландиган товарга сертификат расмийлаштирилади. Сертификат Давлат санитар-эпидемиология назорати органлари томонидан берилади [86 бет].

Мувофиқлик сертификати. Ишлаб чиқарувчи корхоналар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида, экспорт учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаштириш **ихтиёрий равища** (мажбурий эмас) амалга оширилади (28.04.2011 й.даги 122-сонли ВМҚ). Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш бўйича миллий органи Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги) хисобланади [64, 87, 104 бет],

Фитосанитария сертификати. Ариза [61 бет] топширилади, намуна (1-2 кг, дона) маҳсулот тақдим этилади, тариф бўйича тўлов амалга оширилади ва 3 иш куни ичida юкландиган маҳсулот учун сертификат берилади [81 бет]. “Ўзбошдавкарантин” ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекциясининг маҳаллий бошқармаси томонидан берилади [101 бет]. Транспорт кўздан кечирилади, бу ҳақда ўсимликлар карантини бўйича инспектор томонидан карантин кўздан кечириши далолатномаси [79 бет] тузилади. Транспорт ички томони мажбурий равища фумигация қилиниб зарарсизлантирилади ва ушбу ҳақида далолатнома тузилади. [60, 80 бет].

Ветеринария сертификати. Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги маҳсулотларни олиб чиқиш мақсадида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш учун юкландиган жойдаги ҳудудий ветеринария хизматига ариза [62 бет] билан мурожаат қилинади. Тариф бўйича тўлов амалга оширилади. Давлат ветеринар шифокори томонидан сертификат берилади [82, 84 бет].

Харидорга ушбу сертификатларнинг асл нусхасини юборишингиз лозим!

Батофсил маълумот учун www.uzte.uz сайдига ташриф буюринг – “Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Экспорт маҳсулотини сертификатлаштириш” бўлими.



Маҳсулотингизни жўнатиш учун, харидор билан келишган ҳолда, қуидаги транспорт турларидан фойдаланингиз мумкин:

- Автотранспорт (автомашина, фура, рефрижератор) [144 бет];
- Темир йўл контейнер [145 бет];
- Темир йўл вагон [146 бет];
- Авиатранспорт (самолёт) [148 бет].

Транспорт тури белгилангандан кейин экспедитор (транспорт компанияси) билан шартнома тузасиз. Юк ортишга тайёр бўлишингиз билан, транспорт беришлари учун буюртма йўллашингиз лозим бўлади.

Авто. Юк ортиш учун автотранспорт компанияси билан шартнома [90 бет] тузиш керак. Юк ортишга тайёр бўлишингиз билан, автотранспорт олиш учун буюртма юбориш лозим. Транспорт компаниясидан тўлдириш учун авто юк хати (CMR, TIR) бланкаси олинади [92 бет].

Темир йўл. Товарни вагонга ортиш учун Темир йўл бошқармаси билан шартнома тузиш, тариф бўйича т/й хизмат ҳақини тўлаш ва вагон ажратиш учун ташиш режасини [65 бет] олишингиз керак. Юк ортишдан бир неча кун олдин станция бошлиғи номига вагон ажратиш учун буюртма бериш керак бўлади [66 бет]. Станцияда тўлдириш учун т/й юк хати бланкасини оласиз [89 бет].

Авия. Товарни самолёт орқали ҳам юбориш мумкин. Бунинг учун буюртма билан авиакомпаниянинг юк ташиш бошқармасига мурожаат қилинади [68 бет], юк ташиш бўйича шартнома тузилади. Авиакомпанияда тўлдириш учун авиа юк хати бланкаси олинади. [93 бет]


Зарур маълумот олиш учун қуидаги сайтларга ташриф буюришингиз мумкин:

www.logistika.uz - Транспорт ахборот-логистик портали

www.railway.uz - «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК

www.uzairways.com – «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАК

Экспедитор – юкни «А» нуқтадан «Б» га етказиб беришиш амалга оширадиган мутахассис, у мижоз билан тузилган шартномани бажариш учун қайси турдаги юк ташувчуни танлашни ўзи ҳал қиласади.



9-қадам

Маҳсулотни юклаш

Транспорт тақдим этилгач, маҳсулотнинг мўлжалланган манзилгача бутлигини сақланишини таъминлаш учун, юклаш ўз вақтида ва тўғри ташкил этилиши керак бўлади.

Маҳсулотни оптимал равишда юклаш учун транспорт ҳажми ва ўлчамларини ўрганиб чиқиш лозим **[144-148 бет]**.

Битта транспортга қанчалик кўп маҳсулот ортилса, унинг таннархига транспорт харажатлари шунчалик кам таъсир кўрсатади.

Экспорт қилинаётган маҳсулотни ортиш божхона пости инспектори, кинолог, декларант ва фирма вакили иштироқида амалга оширилиши лозим. Бу бўйича маҳсулотнинг божхона кузатувидан ўтказиш далолатномаси **[94 бет]** тузилади. Бунинг учун олдиндан божхона постига ариза **[67 бет]** топширилиши керак.

Юқ ортиш якунлангач, транспорт, ишлаб чиқарувчи ва божхона органи (инспектори) сурғучлари билан сурғучланади (пломба). Умумий ва соф оғирлиги ҳамда ўринлар сони ҳақидаги маълумот тўловнома (хисоб-фактура)га ва транспорт юқ хатига киритилади.

Мана энди маҳсулот декларация қилиниши мумкин!

Барча зарур саволларга Сизга декларант жавоб берishi мумкин.

Батофсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг – “Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Товарни юклаш” бўлими.



10-қадам**Маҳсулотни декларация қилиш**

Божхона расмийлаштируви учун барча юк ортиш ҳужжатларини божхона брокери (декларант) **[106 бет]** тайёрлайди, бунинг учун у билан шартнома **[96 бет]** тузиш керак бўлади. Маҳсулот юклаб бўлинганидан кейин декларантга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак:

1. Шартноманинг асл нусхаси;
2. Транспорт юк хати (т/й, авто, авиа);
3. Хисоб-фактура (инвойс);
4. Маҳсулот келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат;
5. Сертификатлар (ТИФ ТН кодига биноан мажбурий бўлган қўшимча сертификатлар, жумладан: Мувофиқлик, Сифат ва Қадоқлаш варағи)
6. Тўлов топширигининг асл нусхаси, божхона божлари тўланганлиги ҳақидаги банк белгиси билан (квитанция):
 - божхона амалиётлари учун (энг кичик иш ҳақининг 0,1 фоизи)
 - божхона кузатуви учун (энг кичик иш ҳақининг 10 фоизи)
7. Божхона кузатуви далолатномаси

Мева-сабзавот ва озик-овқат маҳсулотлари учун

8. Фитосанитария сертификати;
9. Карантин кузатуви далолатномаси;
10. Заараризлантириш тўғрисидаги далолатнома;

Давлат ветеринария назорати остидаги юклар учун

11. Ветеринария сертификати.

Барча ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, декларант Божхона Юк Декларацияси (БЮД)га барча зарур маълумотларни киритади.

Барча зарур саволларга Сизга декларант жавоб бериши мумкин.

Баттафсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг – “Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Товарни декларация қилиш” бўлими.



11-қадам**Божхона расмийлаштируви**


Барча ҳужжатлар тайёр бўлгач, декларант божхона назоратчисига қуидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Шартнома ва унга қўшимчалар;
2. Божхона юк декларацияси; **[98 бет]**
3. Транспорт ва илова қилинган ҳужжатлар **[75, 76, 77 бетлар]**
4. Махсулот келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат;
5. Сертификатлар (ТИФ ТН кодига биноан мажбурий бўлган қўшимча сертификатлар, жумладан: Мувофиқлик, Гигиена, Ветеринария, Сифат ва қадоқлаш вараги)
6. Лицензия (лицензиялаштирилиши лозим бўлган махсулотлар учун);
7. Зарур ҳолларда ваколатли органлардан руҳсатнома;
8. Божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари (тўлов топшириги, квитанция, солиштирма далолатнома ва б.).

Божхона инспектори БЮД ва товарларга илова ҳужжатларга “Юк чикаришга руҳсат берилди” ва “Божхона назоратидаги юк” муҳрини қўяди ва уларни декларантга қайтариб беради.

Зарур маълумотларни олиш учун Давлат божхона қўмитасининг www.customs.uz сайтига ташриф буюришингиз ёки божхона постига мурожаат қилишингиз мумкин.

***Батафсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг –
“Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Божхона расмийлаштируви”
бўлими.***



12-қадам

**Маҳсулотни жўнатиш ва шартномани ваколатли
банқда ҳисобдан чиқариш**

Юк ташиш учун транспорт юк хати олингач (т/й юк хати, авто юк хати (CMR, TIR), авиа юк хати), белгиланган нуқтагача юкни етказиб бериш учун маҳсулотга илова хужжатларнинг асли ёки нусхасини транспорт компаниясига топшириш керак:

Т/й транспорти билан: т/й станциясининг катта товар-кассирига

Автотранспорт билан: автотранспорт ҳайдовчисига

Авиатранспорт билан: юк-ташиш бўлими нозимига.

Маҳсулот бешикаст етиб борганилиги тасдиқланганидан ва шартномада кўрсатилган ҳажмдаги маҳсулот тўлиқ жўнатилганидан кейин шартноманинг ниҳояси тўғрисида далолатнома тузилади.

Якунланган шартнома ваколатли банқда ҳисобдан чиқарилиши керак. Бунинг учун банкка қўйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ✓ Ҳисобдан чиқариш ҳақида ариза [69 бет]
- ✓ Шартноманинг (шартномага кўшимча келишувнинг) асл нусхаси (Банк ва Божхона органидан рўйхатдан ўтганлигини тасдикловчи штапм урилган варианти).
- ✓ Шартнома ниҳояси далолатномаси нусхаси.
- ✓ Давлат божхона декларацияси нусхаси (нусхалари).

Ваколатли банк шартнома асл нусхасининг ҳар бир саҳифасига “Ҳисобдан чиқарилди” муҳрини кўяди ва уни Сизга қайтаради.

**Батофсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюринг –
“Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Юк жўнатиш ва шартномани
банк ҳисобидан чиқариш” бўлими.**

**Табриклаймиз! Шу тариқа, Сиз ўз маҳсулотингиз экспортини
муваффақиятли ташкил эта олдингиз.**

МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН МОДЕЛИ: «БИР ДАРЧА» ТАМОЙИЛИДАГИ ЭКСПОРТ

Маҳсулотни «бир дарча» тамойилидан фойдаланган ҳолда экспортга жўнатишдаги расмийлаштириш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилган ва арzonлаштирилгандир. Экспорт битимларини божхона расмийлаштируванинг «бир дарча» тамойили бўйича амалга ошириш механизми босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бу эса, божхона расмийлаштируви, декларация қилиш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати ва бошқа божхона расмийлаштируви жараёнларини бир вақтнинг ўзида ва бир жойда амалга оширишни таъминлайди.

ЎзР ВМ нинг 17.11.2011 йилдаги 305- сонли Қарорига мувофиқ, «бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисида ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ ишлаб чиқилган.

- **«Бир дарча»** тамойили - давлат божхона хизмати органларида шартномаларни ҳисобга кўйиш, товарларнинг келибчиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш (кейинги ўринларда сертификациялаш ва божхона расмийлаштируви деб юритилади) учун экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга оширишнинг соддалаштирилган механизми, бунда аризачи аризанинг ягона шаклини тўлдиради ва уни зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда «бир дарча» тамойили бўйича экспорт тартиботларини расмийлаштириш жорий этиладиган ташки иқтисодий фаолият божхона постларида (кейинги ўринларда ТИФ божхона постлари деб юритилади) фаолият юритувчи манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ваколатли вакилларига тақдим этади.

Ушбу Вақтингчалик низом қонун ҳужжатларида белгиланадиган товарларнинг алоҳида тоифаларини экспорт қилиш учун қўшимча рухсатнома ҳужжатлари (лицензия, рухсатнома) олиш билан боғлиқ бўлган экспорт тартиботларини амалга ошириш механизмига жорий этилмайди.

«Бир дарча» тамойили бўйича сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда аризачи оладиган сертификатнинг турига қараб ТИФ божхона постларида ваколатли сертификация органларига қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ягона шаклдаги аризани тақдим этади:

а) товарларнинг келибчиқиши тўғрисидаги сертификатни олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Ўзэкспертиза» ОАЖ):

экспорт шартнома нусхаси;

юкландиган товарга счёт-фактура нусхаси;

экспорт қилинадиган товарни тайёрловчи, ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашёning келиб чиқиши ва компонентлари (хом ашё етказиб беришга шартномалар, счёт-фактуралар) тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари;

технологик жараёнларни тартибга солувчи ҳужжатларнинг нусхалари.

Товарлар келиб чиқкан мамлакатни, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган импорт қилинган компонентлар, хом ашё-материаллар, бутловчи ва эҳтиёт



қисмларни аниқлаш бўйича мурожаат қилинган тақдирда - юқорида кўрсатилган ҳужжатларга кўшимча равишда кўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Юкнинг божхона декларацияси нусхаси;

материаллар ва қўшилган қийматнинг фоиздаги улушини аниқлаш учун товарнинг таннархи ҳисоб-китоби;

товар позициясининг товарни қайта ишлаш натижасида юзага келган биринчи тўртта белгисидан бири даражасида ТИФ ТН бўйича ўзгаришини асослаб бериш;

сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов ҳужжати;

б) ветеринария сертификатини олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридан Давлат ветеринария бош бошқармаси):

экспорт қилишга Давлат ветеринария бош бошқармасининг рухсатномаси;

назоратдаги юкни транзит қилишга ветеринария рухсатномаси;

ветеринария гувоҳномаси;

сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов ҳужжати;

в) фитосанитария сертификатини олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридан Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат бош инспекцияси):

импорт қилувчи мамлакатнинг (алоҳида мамлакатлар учун ҳукуматлараро битимга асоссан) импорт қилишга карантин рухсатномаси;

транзитга рухсатнома (алоҳида мамлакатлар учун);

фитосанитария карантин сертификати;

зарааризлантириш тўғрисидаги далолатнома;

сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов ҳужжати;

г) гигиена сертификатини олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридан Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази):

Давлатлараро стандарт (ГОСТ), Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти (О'зDSt)га мос бўлган товарни сертификациялашни тартибга соладиган норматив ҳужжат нусхаси;

сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов ҳужжати.

ЭКСПОРТ ТОВАРЛАРИНИ СЕРТИФИКАЦИЯЛАШ ВА БОЖХОНАДА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБОТЛАРИДАН ЎТИШ СХЕМАСИ

Бос-қичлар	Субъект-лар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-бос-қич	Аризачи	Оладиган сертификат турига қараб ТИФ божхона постларида ваколатли сертификация органига белгиланган рўйхатга мувофиқ ҳужжатларни илова қиласан ҳолда ягона шаклдаги аризани тақдим этади.	Аризачининг хоҳишига кўра
		Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигига ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун кўриб чиқадилар; тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мос келганда уларни қабул қиласидилар; камчиликлар аниқланганда, аризачига ягона шаклдаги аризада камчиликларни кўрсатсан ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни қайтарадилар.	Дарҳол
	ТИФ божхона постларидаги ваколатли сертификация органлари	Аризачидан қабул қилинган ҳужжатлар бўйича экспорт учун мўлжалланган товарлардан белгиланган тартибда намуналар оладилар ва товарлар намуналарини ҳамда ҳужжатларни тегишли синов лабораторияларига ва/ёки ваколатли органларга юборадилар.	Кун мобайнида
		Тегишли сертификатларни бериш учун экспорт қилинадиган товарларнинг лаборатория синовларидан ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайдилар.	3 - 5 иш кунида



Бос-қичлар	Субъект-лар	Тадбирлар	Бажарыш муддатлари
1-бос-қич		Лаборатория синовлари якунлари бүйічіа ижобий натижа олинған тақдирда, ваколатли сертификация органлари вакиллари бир иш куни мобайнида аризачига бевосита ТИФ божхона постида тегишли сертификатларни берадилар.	1 иш куни мобайнида
2-бос-қич	Аризачи	Божхонада расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни тақдим этади.	Аризачининг хоҳишига кўра
	Давлат божхона хизмати органи	Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигиги ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун кўриб чиқадилар; тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мос келганда, уларни қабул қиласидилар; камчиликлар аниқланганда, аризачига ягона шаклдаги аризада камчиликларни кўрсаттан ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни қайтарадилар.	Дарҳол
		Экспорт шартномасини ҳисобга кўйишни амалга оширади.	Кун мобайнида
		Экспорт қилинадиган товарларни ва транспорт воситаларини текширишдан ўтказади.	Юклаб жўннатишга тайёрлигига кўра
		Экспорт қилинадиган товарларни ва транспорт воситаларини божхонада расмийлаштиришни амалга оширади.	1 иш куни мобайнида

«БИР ДАРЧА» УЧУН ЯГОНА ШАКЛДАГИ АРИЗА

1.	(экспорт қилувчининг номи: юридик шахснинг номи (жисмоний шахслар учун - Ф.И.О.)) (почта манзили, КТУТ коди)		
	(солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР))		
	(банк реквизитлари)		
	(ариза билан шуғулланувчи ходимнинг Ф.И.О., лавозими ва телефони)		
2.	(импорт қилувчининг номи: юридик шахснинг номи (жисмоний шахслар учун - Ф.И.О.)) (почта манзили)		
	(банк реквизитлари)		
3.	(экспорт қилинаётган товарнинг умумий шартнома қиймати)		
4.	(транспорт воситаси тўғрисида маълумот, тран. воситасининг тури ва тартиб рақами)		
5.	(давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктлари)		
6. Жўнатиш станцияси:	<input type="text"/>	Етиб келиш станцияси:	<input type="text"/>

7. Олиш учун тақдим этилади:

<input type="checkbox"/>	товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификати	<input type="checkbox"/>	фитосанитария сертификати
<input type="checkbox"/>	ветеринария сертификати	<input type="checkbox"/>	гигиена сертификати
<input type="checkbox"/>	божхонада расмийлаштириш учун	<input type="checkbox"/>	

8. Аризага:	 (хужжатлар ва материаллар рўйхати)
	илова қилинади.

9. Аризачининг имзоси ва экспорт қилувчи ташкилотнинг (юридик шахслар учун) муҳри.

10. Ваколатли органнинг қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қайди:	 (асослаш) (Ф.И.О., муҳр, имзо)
---	---

Батофсил маълумот учун www.uzte.uz сайтига ташриф буюрганг – “Экспортни ташкил қилиш” саҳифаси, “Юк жўнатиш ва шартномани банк ҳисобидан чиқариш” бўлими.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МАҲСУС МОДЕЛИ: «ЎЗТАДБИРКОРЭКСПОРТ» ИТСК КҮМАГИДАГИ ЭКСПОРТ:

Ҳурматли тадбиркор, юқорида келтирилган материаллардан кўриниб турибдики, экспортни амалга ошириш – бизнесингиз ривожланишининг истиқболи бўлиб, маҳсулотингиз рақобатбардошлигини таъминлайди ва корхонангиз даромади ўсишига сабаб бўлади.

Маҳсулотни экспорт қилишда нафақат бу масалада етарли тажрибага эга бўлмаган тадбиркорлар балки бир неча йиллардан бери ташқи бозорларда иш юритиб келаётган компанияларга ҳам ўзимизнинг ва чет эллардаги божхона қонунларининг кўп жихатлари номаълум.

Бу масалаларни хал этиш учун юқори билим, юридик маълумот ва ташқи иқтиносидий фаолиятдаги тажриба талаб этилади. Шунингдек молиявий харажатлар, вақт ва кучнинг сарфланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шундай холатда “экспорт аутсорсинги” – муаммонинг оптималь ечими хисобланади. Шу сабабли кўплаб экспорт қилувчи корхоналар «аутсорсинг» дан фойдаланадилар, яъни бошқа юридик шахсга муайян ишни бажарилишини топширадилар.

Экспорт Аутсорсинги хизматидан фойдаланишнинг муҳим ижобий жиҳатларидан бири бу –танилмаган соҳа билан ишлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартиришдир. ТИФ соҳасидаги ишларни ушбу соҳа мутахассисига топширган тадбиркор нафақат молиявий томондан ютади, балки бу билан ўз вақти ва кучини бошқа муҳимроқ ишлар учун тежайди.

Кичикбизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш мақсадида уларга ташқи иқтиносидий фаолият соҳасида аутсорсинг хизматни кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.08.2011йилдаги ПФ-4354-сонли фармони билан «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилди.

**«Ўзтадбиркорэкспорт»-
биринчи
ихтисослаштирилган ташқи
савдо компанияси бўлиб,
кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик субъектлари
маҳсулотларининг
экспортига кўмаклашади.**

Республиканинг
барча минтақаларида
ваколатхоналарга эга.
Батафсил маълумот
компаниянинг www.uzte.uz
сайтида мавжуд.

Тел: +99871-2385480
Факс: +99871-140-05-03

Email: info@uzte.uz

Бош офис: Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси,
107.

(мўлжал: Буюк Илак Йўли
метро бекати).

Компаниянинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.08.2011 йилдаги ПҚ-1604-сонли қарори билан белгилаб қўйилган. «Ўзтадбиркорэрэкспорт» компанияси қуидагиларни қамраб оладиган сифатли ва ишончли аутсорсинг хизматини кўрсатади:

- сизни қизиқтирувчи бозор маркетингини ўтказиш;
- маҳсулот экспорт салоҳиятини белгилаш;
- сизнинг маҳсулотингизга хорижий шерикни излаш ва топиш;
- чет-эл харидори билан шартнома тузиш ва расмийлаштириш
- керакли рухсатнома ва сертификатларни олишда кўмаклашиш;
- маҳсулотингизга хорижий валютада тўловини амалга ошириш;
- божхона расмийлаштируви;
- товарни энг қулай етказиб бериш схемасини тузиш.

UzTE компанияси маҳсулотингиз экспортини ўз зиммасига олиб дунёning исталган нуқтасига етказиб беришга ёрдам беради.



**Сиз фақат мурожаат қилсангиз бас, асосий ишни
Ўзтадбиркорэрэкспорт компанияси ходимлари амалга оширади:**

1- қадам: Маҳсулот экспорти бўйича мурожаатнома (ариза) тўлдириши.

Маҳсулот экспорти бўйича мурожаатнома (ариза) топшириш учун ўз вилоятингиздаги «Ўзтадбиркорэрэкспорт» (кейинчалик UzTE) компанияси вакилига мурожаат қилингиз керак (рўйхат иловада). UzTE вакили оғисида маҳсулот экспорти бўйича ариза бланкасини тўлдирасиз. Сўнгра (истагингизга кўра), сиз ўз корхонангизнинг экспортгта тайёрлиги юзасидан ўзини-ўзи баҳолаш саволномасини тўлдиришингиз мумкин. Саволномадаги ахборотлар маълумотлар базасига киритилади ва маҳсулотингизнинг экспорт қилинишига кўмаклашиш бўйича тадбирларни режалаштиришда қўлланилиши мумкин.

2- қадам: Ахборот материалы ва экспорт қилинадиган маҳсулот намуналарини тақдим этиш.

Экспорт кўмаги бўйича ариза рўйхатга олингандан кейин UzTE вакилига қўйидаги реклама-ахборот материалларини тақдим этишингиз керак бўлади:

- маҳсулот фотосуратлари келтирилган каталог;
- маҳсулот тавсифи (техник характеристикиси билан бирга);
- реклама буклетлари ёки маълумотномалари;
- барча материалларнинг электрон вариантлари (имконият даражасида);
- 1-2 донадан намуналар (имконият даражасида).

Керакли реклама-ахборот материалларини олгач, UzTE ходимлари уларни компания сайтидаги, хорижий харидорлар учун очиқ бўлган «Каталог» ва доналик (кичик хажмдаги) экспорт маҳсулот бўлса «Интернет-дўкон» саҳифаларига жойлайдилар. Бундан ташқари, компания маълумотлар базасидаги электрон манзилларга хатлар жўнатадилар.

3- қадам: «Ўзтадбиркорэкспорт» компанияси билан воситачилик шартномасини тузиш.

Сўровга жавоб олингандан кейин UzTE вакили Сизга хорижий шериқдан таклиф тушганилиги ҳақида хабар беради. Кейин маҳсулот етказиб бериш шартлари ва тўлов бўйича музокаралар ўtkазилади. Барча масалалар бўйича келишувга эришилгандан кейин UzTE вакили Сиз билан воситачилик (комиссия) шартномасини тузади. Хизмат ҳақи келишилган ҳолда ва тасдиқланган тариф бўйича белгиланади.

«Ўзтадбиркорэкспорт» тузилган шартнома асосида, белгиланган тартибга кўра барча зарур экспорт жараёнларини амалга оширади.

Экспортни расмийлаштириш жараёнида тақдим этилган тўлов ҳужжатлари бўйича тўловлар юк жўнатувчи томонидан амалга оширилади.

4- қадам: «Ўзтадбиркорэкспорт» вакилидан божхона, транспорт ва маҳсулотга илова ҳужжатларни олиш.

Чет-эл харидори билан шартнома тузилгандан сўнг тажрибали мутахассис шартномани банқда ва божхона постида рўйхатга кўяди. Ушбу шартномани ва барча керакли бўлган ҳужжатларни божхона расмийлаштирувига етказиб беради, яъни компания ходимлари томонидан божхона расмийлаштируви учун барча ҳужжатлар тайёрланиб берилади.

5- қадам: Хорижий харидордан тўлов олиш ва экспортчи билан ўзаро ҳисоб-китоб.

Экспорт қилувчилар, табиийки, жўнатилган маҳсулотлар учун тўловни имкон қадар тезроқ олишни истайдилар. Дунёда экспорт бозорлари учун жуда қаттиқ рақобат кетаётгани сабабли, Сиз таклиф эта оладиган экспорт учун тўлов шартларининг жозибалилиги экспорт битимини амалга оширишда ҳал этувчи омил бўлиши мумкин. Агар сизнинг рақобатчингиз шундай маҳсулотга эга бўлса-ю, лекин тўлов шартлари яхшироқ бўлса, харидор шартномани у билан тузиши мумкин. Экспортнинг ўзини-ўзи молиялаштириши, айниқса кичик фирмалар учун жуда хатарли бўлиши мумкин, чунки экспорт харажатлари сизнинг ички савдоингиз бюджетига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса экспорт молиявий барқарорликни талаб этишини англатади, барқарорлик эса нақд пул ёки ишончли кредит манбаига боғлиқдир.

«Ўзтадбиркорэкспорт» ИТСК ўз мижозларига уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятлари бўйича кенг қамровли хизматлар кўрсатиш, ҳалқаро амалиёта қабул қилинган барча шаклдаги, ҳар қандай мураккабликдаги ҳалқаро ҳисоб-китобларни ўтказишни таклиф этади, шунингдек мижозларга турли хил (жумладан амалдаги валюта назорати тизимини инобатга олган ҳолда) ташқи савдо шартномалари тўлов шартлари бўйича, индивидуал ҳисоб-китоблар схемаси ишлаб чиқиши юзасидан малакали маслаҳатлар беради.

6- қадам: Маҳсулотни юклаш ва жўнатиш.

Шу босқичдан бошлаб кейинги жараёнларни Сиз ўзингиз, мазкур қўлланманинг 11 ва 12 бандида кўрсатилган тартибда мувофиқ (бошланишида ходимлар кўмагида) мустақил амалга оширангиз бўлади.

Нега айнан «Ўзтадбиркорэкспорт» деган савол туғилиши табиий...

«Ўзтадбиркорэкспорт» компанияси давлат органлари ҳамда мижозлари орасида хурматга эга. Маҳсулотингиз экспортини бизнинг компаниямизга ишонишингиз тўғри! Топширилган вазифаларни сифатли бажарилишига кафолат берамиз. Сиз эса ўз навбатида пулингиз ва вақтингизни тежайсиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида компания томонидан www.1st-uztrade.com "интернет дўкони" яратилган. Ҳунармандлар ва оипавий тадбиркорлар томонидан берилган буюртмаларга биноан уларнинг маҳсулотлари хакидаги маълумот ушбу сайтга жойлаштирилади. Маҳсулот онлайн усулида сотиб олингандан сўнг чет-элдаги харидорга тезкор почта хизмати орқали жўнатилади.



«UZTADBIRKOREKSPORT» ИТСК БИЛАН ҲАМКОРЛИК АФЗАЛЛИКЛАРИ:

- **Тезкорлик:**

- ✓ ишлаб чиқарувчидан ариза олиш ва қайта ишлаш (1 кун ичида);
- ✓ потенциал хорижий харидорни аниқлаш (5 кун ичида);
- ✓ хорижий харидорга сўровнома юбориш ва ундан эҳтиёж борлиги ҳақида жавоб олиш (3 кун ичида);
- ✓ маҳсулот намуналарини олиш ва жўнатиш (5 кун ичида);
- ✓ потенциал хорижий харидорлар билан музокаралар ўтказиш (3 кун ичида);
- ✓ шартномалар тузиш ва уларни ваколатли органларда рўйхатдан ўтказиш (2 кун ичида);
- ✓ маҳсулотга бириткирилган ҳужжатларни расмийлаштириш (2 кун ичида). Жами кўпи билан 10 кун.

- **Ҳаммабоплик:**

- ✓ Ишлаб чиқарувчи жойлашган вилоятнинг ўзида маҳсулот экспорти масалалари бўйича батафсил маълумот ва профессионал маслаҳат олиш;
- ✓ Компания веб-сайти орқали маҳсулот экспорти шарт-шароитлари ва талаблари ҳақида батафсил маълумот олиш;
- ✓ Хорижий харидорларни 1000 хил турдаги маҳсулотлар Каталоги орқали ахборот билан таъминлаш;
- ✓ Интернет-дўкон орқали хорижий харидорларни Ўзбекистон халқ ҳунармандчилиги буюмлари ҳақида ахборот билан таъминлаш.

- **Ишончлилик:**

- ✓ «UzTE» компанияси экспортолди молиялаштириши ҳисобига экспортолди харажатлар билан боғлиқ хатарларнинг камайиши;
- ✓ экспорт шартномаларининг юридик жиҳатдан тўғри тўлдирилиши ҳисобига хатарларнинг камайиши;
- ✓ ишончли хорижий харидорларни излаш ва топишдаги хатарларнинг камайиши;
- ✓ жаҳон бозорида нарх маркетингини ўтказиш йўли билан хорижий харидор томонидан маҳсулот нархларининг тушириб юборилиши хатарини камайтириш;
- ✓ мустақил юклашолди ва юқ тушириш мониторингини ўтказиш ҳисобига товар сифати ва миқдорига эътиrozларни камайтириш ва эҳтимолий муаммоларнинг олдини олиш.

ХУЛОСА

Хурматли тадбиркор, мана энди Сиз ўз маҳсулотингизни қандай экспорт қилишни биласиз. Сизга қулай бўлиши учун биз имкон қадар лўнда баён этишга интилдик. Ҳолбуки, ҳар бир қадам бўйича кўплаб китоблар ёзилган ва битта рисолада ҳамма маълумотни сифатли баён этиш қиийн.

Хуросада Сизнинг эътиборингизни тадбиркорлик фаолиятидаги муваффақиятнинг асосий тамоилларига қаратамиз:

- Сизнинг маҳсулот ва хизматларингиз харидорларнинг эҳтиёжини қондириши лозим;
- муваффақиятга эришиш учун, янги маҳсулот ёки хизмат тури яхши сифат ҳамда мувофиқ нархга эга бўлиши керак;
- қатъий молиявий назорат ва бюджетнинг оқилона тақсимланиши бизнесдаги муваффақият учун ўта муҳимдир;
- тадбиркорликнинг асосий мақсадларидан бири – харидорни маҳсулотнинг сифати ва нархи билан жалб этиш ва ўзининг доимий мижозига айлантиришдир. Фойда – бу етарлича миқдордаги харидорларни жалб этиш ва «ушлаб туриш»нинг натижасидир;
